



## THE KOREAN DIASPORA IN UZBEKISTAN (BASED ON THE EXAMPLE OF THE TOLERANT AND HARDWORKING KIM PEN HWA)

*Farhod Sobirovich Ziyaev*

*PhD in History*

*Associate Professor, Department of Social Sciences*

*Tashkent State University of Economics*

*Tashkent, Uzbekistan*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** interethnic harmony, tolerance policy, Korean diaspora, Kim Pen Hwa, “Qutb Yulduzi” collective farm, agrarian reforms, crop rotation system, Defense Fund, social infrastructure.

**Received:** 12.06.26

**Accepted:** 13.06.26

**Published:** 14.06.26

**Abstract:** This article analyzes the processes of socio-economic and cultural integration of diasporas in a multi-ethnic society within historical and contemporary contexts. It scientifically examines the Korean diaspora relocated to the territory of Uzbekistan as a result of deportation policies, as well as the outstanding contribution of Kim Pen Hwa—belonging to this ethnic group—to industrial, agricultural, and socio-cultural life. The article also highlights the historical roots of tolerance policy in New Uzbekistan and the role of universal human values in ensuring social stability.

## ЎЗБЕКИСТОНДАГИ КОРЕЙСЛАР ДИАСПОРАСИ ҲАҚИДА (БАҒРИКЕНГ ВА МЕҲНАТСЕВАР КИМ ПЕН ХВА МИСОЛИДА)

*Фарход Собирович Зияев*

*Тарих фанлари номзоди*

*Ижтимоий фанлар кафедраси доценти*

*Тошкент Давлат иқтисодият университети*

*Тошкент, Ўзбекистон*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** миллатлараро тотувлик, бағрикенглик сиёсати, корейс диаспораси, Ким Пен Хва, "Қутб юлдузи" колхозси, аграр ислохотлар, алмашлаб экиш тизими, Мудофаа фонди, ижтимоий инфратузилма.

**Аннотация:** Мазкур мақолада кўпмиллатли жамиятда диаспораларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий интеграцияси жараёнлари тарихий ва замонавий контекстда таҳлил этилган. Унда депортация сиёсати оқибатида Ўзбекистон заминига кўчирилган корейс диаспораси

хамда шу миллатга мансуб Ким Пен Хванинг ишлаб чиқариш, аграр ҳамда маданий-ижтимоий ҳаётдаги феноменал фаолияти илмий асосда тадқиқ этилган. Мақолада Янги Ўзбекистондаги бағрикенглик сиёсатининг тарихий илдизлари ва умуминсоний кадриятларнинг ижтимоий барқарорликни таъминлашдаги ўрни ёритилган.

## КОРЕЙСКАЯ ДИАСПОРА В УЗБЕКИСТАНЕ (НА ПРИМЕРЕ ТОЛЕРАНТНОГО И ТРУДОЛЮБИВОГО КИМ ПЁН ХВА)

**Фарход Собирович Зияев**

*Кандидат исторических наук Доцент кафедры социальных наук  
Ташкентский государственный экономический университет  
Ташкент, Узбекистан*

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** межнациональное согласие, политика толерантности, корейская диаспора, Ким Пён Хва, колхоз «Кутб Юлдузи», аграрные реформы, система севооборота, Фонд обороны, социальная инфраструктура.

**Аннотация:** В данной статье анализируются процессы социально-экономической и культурной интеграции диаспор в многонациональном обществе в историческом и современном контекстах. Научно исследуется корейская диаспора, переселённая на территорию Узбекистана в результате политики депортации, а также феноменальная деятельность Ким Пён Хва в производственной, аграрной и социокультурной сферах. В статье раскрываются исторические корни политики толерантности в Новом Узбекистане и роль общечеловеческих ценностей в обеспечении социальной стабильности.

**Кириш.** Бугунги кунда Янги Ўзбекистон давлатчилигини ривожлантириш ва Учинчи Ренессансинг мустаҳкам ижтимоий-маънавий пойдеворини яратиш босқичида миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик концепцияси давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Республика ҳудудида истикомат қилаётган 130 дан ортиқ миллат ва элат вакилларининг конституциявий ҳуқуқлари, уларнинг миллий анъаналари, тили ва маданиятини асраш ҳамда ривожлантириш кафолатланган. Ўзбекистон замини азал-азалдан турли цивилизациялар туташган ва трансмиллий маданий алоқалар интеграциялашган бағрикенглик макони бўлиб келган [1].

Бу жараёнлар фақатгина замонавий сиёсий-ҳуқуқий шиор эмас, балки халқимизнинг қонига сингиб кетган, тарихий синовларда чиниққан кадриятдир. Мазкур кадриятнинг энг

муҳим тарихий исботларидан бири - XX асрнинг биринчи ярмидаги мураккаб геосиёсий ҳолат ва советча тузум шароитида юртимиздан бошпана топган, маҳаллий аҳолининг юксак инсонпарварлиги туфайли қисқа муддатда интеграциялашиб, ўлка тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган корейс диаспораси фаолиятidir. Корейс миллий диаспорасининг аграр, ижтимоий ва давлатчилик соҳаларидаги ютуқларини ўрганишда Ким Пен Хваннинг ҳаёти ва фаолияти илмий таҳлил қилиш алоҳида долзарблик касб этади.

Муҳокама ва натижалар. Аграр соҳа намояндаси ва етук раҳбар Ким Пен Хваннинг шахсияти, иродаси ва темир интизоми унинг болалик давридаги оғир ижтимоий-иқтисодий ва ҳарбий-сиёсий шароитларда шаклланган. У 1905 йилнинг 6 августида Приморье ўлкаси Суйфун туманидаги Чапигоу кичик қишлоғида, мутлақо ерсиз, деҳқон Ким Чиман оиласида дунёга келди. Унинг туғилиши арафасида оила япониялик ҳарбийларнинг тазйиқидан қочиб, Кореядан Россия империяси ҳудудига муҳожир бўлиб ўтган эди. Шахсий ер майдонига эга бўлмаган ота маҳаллий қулоқлардан ерни ижарага олиб, етиштирилган шоли ҳосилининг учдан икки қисмини эгасига беришга мажбур бўлган.

Ким Пен Хвани болалик йилларида йўқчилик ва очлик доимий ҳамроҳи бўлди. У атиги олти ёшга тўлганида отаси вафот этди. Тўрт нафар вояга етмаган фарзанди билан ёлғиз ва бетоб қолган она рўзғор тебратишга ожизлик қилгач, Ким Пен Хва жуда ёш бўлишига қарамай, меҳнат фаолиятини бошлади. Ёзда далаларда кунбай ишлаган бўлса, қишда жўка дарахти пўстлоғидан арқон тўқиб, уларни арзимаган баҳога савдогарларга сотиш орқали оилани боқди. Оғир моддий шароит туфайли у қишлоқ мактабида атиги тўрт йил таълим олган, холос. Бироқ, табиатан билимга чанқоқ бўлган Ким Пен Хва мустақил мутолаа ва улкан ҳаёт мактаби орқали ўз даврининг кенг дунёқарашли шахсиятига айланди [2].

1927 йилда унинг ҳаётида янги саҳифа очилиб, ҳарбий хизматга чақирилди. Сержантлар мактабини тугатгач, взвод командири ёрдамчиси лавозимига тайинланди. 1929 йилда кадрли офицер сифатида Хитой-Шарқ темир йўлидаги (КВЖД) қуролли тўқнашувларда иштирок этиб, жанговар нишон билан тақдирланди. 1931 йилда Москвадаги Олий ҳарбий-сиёсий курсларни муваффақиятли тамомлади ва Қозон ўқчи дивизиясида ҳарбий бошлиқ ёрдамчиси сифатида хизматни давом эттирган. 1939 йилда у унвони билан ҳарбий хизматдан захирага бўшатилади. Армия муҳити унда стратегик фикрлаш ва одамларни бошқариш кўникмаларини шакллантирди [3].

1937 йилда содир бўлган мажбурий депортация тўлқинидан сўнг, Ким Пен Хва 1939 йилда Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманидаги "Янги йўл" (Новый путь) жамоа

хўжалигига келиб, Қурилиш бошқармаси бошлиғи сифатида иш бошлаган. Бу даврда кўчириб келтирилган корейсларнинг катта қисми ҳамон вақтинчалик чайлаларда, ертўлаларда ва ўтовларда ўта оғир шароитда яшаётган эди. Қурилиш материаллари, транспорт воситалари ва муҳандис-техник кадрларнинг кескин танқислиги шароитида Ким Пен Хва ўзининг юксак меҳнатсеварлиги ва ташкилотчилик қобилияти билан одамларни сафарбар эта олган. Унинг бу муваффақияти маҳаллий раҳбариятнинг эътиборини тортган [4].

1940 йилда Ўрта Чирчиқ туман партия қўмитасининг тавсиясига биноан, "Полярная звезда" ("Қутб юлдузи") жамоа хўжалигининг умумий йиғилишида у хўжалик раиси этиб сайланган. Ушбу колхоз 1937 йилда Чирчиқ дарёси бўйича ташкил этилган бўлиб, дастлабки йилларда Ли Бон Хо раислигида оғир шароитдаги хўжалик эди.

Ким Пен Хва раҳбарликка келгач, биринчи навбатда бошқарувни малакали кадрлар билан мустаҳкамлаган ва республиканинг бошқа худудларидан тажрибали мутахассисларни таклиф этган. Ботқоқлик ерларни мелиорация қилиш ва суғориш тизимларини янгилаш бўйича кенг қамровли ишлар натижасида, биринчи йилнинг ўзидаёқ шоли ҳосилдорлиги гектарига 40 центнерга етказган ҳамда дастлабки пахта ҳосили олинган [5].

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ким Пен Хва бошчилигидаги "Қутб юлдузи" жамоа хўжалиги чинакам қаҳрамонлик кўрсатган. Хўжалик уруш даврида илк бор барқарор юқори шоли ҳосили олишга эришган. Бу эса атрофдаги қишлоқлар аҳолисини ҳам жалб этиб, экин майдонларининг 5 баробардан зиёд кенгайишига хизмат қилган. Мазкур даврда Ўзбекистонда бошланган Мудофаа фондини ташкил этиш ҳаракатида унинг жамоаси фаол қатнашди. Давлат банкининг Тошкент бўлимига 1941 йил 12 август ҳолатига кўра 426 минг рубль келиб тушган бўлса, корейс диаспораси вакиллари бу ҳаракатда кўп маблағларни ажратган. Бундан ташқари, ҳарбий давлат заёмларига обуна бўлиш жараёнида раис Ким Пен Хва 5 минг рубль нақд пул топшириб ўрناق кўрсатгани маълум. Бундан ташқари уруш йилларида колхоз аъзолари Катта Тошкент, Фарғона каналлари ҳамда Бўзсув ва Фарход ГЭСлари қурилишида ҳам фаол иштирок этган [6].

Шунингдек, пахтачиликда ҳам Ким Пен Хва муносиб хизмат қилган [7]. Шунингдек 1952 йилда "Полярная звезда" колхозига иқтисодий орқада бўлган Охунбобоев ва "Кучлик" колхозлари бирлаштирилган. Ушбу хўжаликларда илгари ҳосилдорлик 12-13 центнер бўлган бўлса, Ким Пен Хванинг тизими жорий этилгач, 1953 йилдаёқ кўрсаткич 24,7 центнерга етган. Ким Пен Хва хўжаликни ривожлантиришда ижтимоий ва маданий масалаларга алоҳида эътибор қаратган. Уруш йилларида давлат маблағ ажрата олмаган

шароитда, раис режадан ташқари 10-15 гектар майдонга қўшимча шоли эктириб, ундан тушган даромадни уй-жой қурилишига йўналтирган. Натижада, 1940 йилда бир неча ўнлаб уйлар, электр станцияси ва чорвачилик фермалари қурилган. 1945 йилга келиб эса жамоа хўжаликдаги барча оилалар вақтинчалик бараклардан қутилиб, шинам уйлар билан таъминланган.

1963 йили маъмурий бошқарувни мувофиқлаштириш мақсадида жамоа хўжалигида маъмурий-хизмат кўрсатувчи ходимлар сони 30 нафарга қисқартирилиб, йиллик 32 минг рубль маблағ иқтисод қилинган ва ишлаб чиқаришга йўналтирилган. Хусусан жамоа хўжалигида кенг қамровли инфратузилма барпо этилган: 3 та клуб, 6 та мактаб, туғруқхона, шифохона, 6 та дўкон, 4 та тиббиёт пункти, ҳаммом, дорихона, алоқа бўлими, кутубхона, сартарошхона ҳамда тикувчилик устахоналари ишга туширилган [8].

Ким Пен Хва жамоа хўжаликни 34 йилдан ортиқ бошқариб, 1974 йилда вафот этган. Республика ҳукумати қарори билан жамоа хўжалигига ва Тошкент шаҳридаги марказий кўчалардан бирига унинг номи берилган [9].

Ким Пен Хва ва у бошқарган "Қутб юлдузи" жамоа хўжалигининг тарихий тажрибаси инсон иродаси ва меҳнатнинг ғалабасини кўрсатган.

Биргина ушбу хўжаликнинг ўзидан 26 нафар Меҳнат Қаҳрамонининг етишиб чиққани собиқ Иттифокдаги 120 дан ортиқ миллат ва элатлар ўртасида аҳоли жон бошига ҳисоблаганда энг юқори кўрсаткичлардан бири бўлиб, тарихда бундай оммавий мукофотланиш кузатилмаган [10].

Корейс диаспорасининг ушбу ютуқларга эришишида Ўзбекистон давлатининг ўша даврдаги раҳбарлари Нуриддин Муҳитдинов, Нормухаммад Худойбердиев, Маҳкам Камалов ва Зокир Хўжаевларнинг кўрсатган амалий ёрдами ва бағрикенглик сиёсати муҳим аҳамият касб этган [11].

Хулоса қилиб айтганда Ким Пен Хванинг ҳаёти ва меҳнат йўли бугунги Ўзбекистоннинг кўпмиллатли жамияти учун ватанпарварлик, миллатлараро ҳамкорлик ва фидокорликнинг энг олий намунаси бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, ўзбек халқининг бағрикенглик ҳамда корейс халқи билан яқин фазилатлари халқлар ўртасидаги дўстликнинг мустаҳкамланишида муҳим ўрин тутганю.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 2021. – 460 б.

2. Ким К. А. Жизнь и деятельность дважды Героя Социалистического Труда Кима Пен Хва // Ким Пен Хва и корейцы Узбекистана: Материалы международной научно-практической конференции. Тезисы докладов. – Ташкент, 2005. – С. 9.

3. Ўша асар. 10 б.

4. <https://koryo-saram.site/p-g-kim-korejtsy-respubliki-uzbekistan-istoriya-i-sovremennost/>

5. Ли Б. С. О времени, о «Полярной звезде» и о выдающемся председателе Киме Пен Хва // Ким Пен Хва и корейцы Узбекистана: Материалы международной научно-практической конференции. Тезисы докладов. – Ташкент, 2005. – С.24-25.

6. <https://koryo-saram.site/p-g-kim-korejtsy-respubliki-uzbekistan-istoriya-i-sovremennost/>

7. Лысенко Т.Д. Агробиология: Работы по вопросам генетики, селекции и семеноводства. – Москва: Сельхозгиз, 1952.

8. Ким К. А. Жизнь и деятельность дважды Героя Социалистического Труда Кима Пен Хва // Ким Пен Хва и корейцы Узбекистана: Материалы международной научно-практической конференции. Тезисы докладов. – Ташкент, 2005. – С. 6-18.

9. Герои колхоза «Ким Пен Хва»: Очерки // Информационный портал корейцев СНГ «Коре сарам».

10. Шин Д.В. Советские корейцы — Герои Социалистического Труда. – Алматы: Service Press, 2021.

Ким К. А. Жизнь и деятельность дважды Героя Социалистического Труда Кима Пен Хва // Ким Пен Хва и корейцы Узбекистана: Материалы международной научно-практической конференции. Тезисы докладов. – Ташкент, 2005. – С. 18.